

№ 1- сонли
Лойиха-смета хужжатлари тузиш
шартномаси

«25» 05 2022 йил

Шахрисабз шаҳар

Келгуси уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва Низом асосида фаолият курсатадиган

Шахрисабз Шаҳар Мкатабгача Таълим Булими мудир Ш Исламов бир томондан, ҳамда келгуси уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган ва Низом асосида фаолият курсатадиган «SHAXRISABZLOYHA» МЧЖ иккинчи томондан, лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 «Буюртмачи» топширигига асосан «Пудратчи» 10 ДМТТ биносини лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш.

1.2. «Пудратчи» лойиха ишларини «Корхона, бино ва иншоотлари курилишига лойиха-смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК 1.03 01-03, «Курилишда жорий шартномавий баҳоларни аниқлаш тартиби» тугрисидаги ШНК 4.01.16-04, лойихага қўйиладиган меърий талабларни МКМ 01-04* қоида ва қўлланмалари асосида бажарилишини таъминлайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошқа талабларни бажариш лойихалаш топширикномасида курсатилади.

1.4. Ишларнинг бажарилиш сметаси, қиймати ва муддати мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб қўйиладиганлардан иборат:

- | | |
|---|-----------|
| - лойиха ишларининг ҳисоби | - 1 илова |
| - шартнома қийматини келишиш баённомаси | - 2 илова |
| - таквим режаси | - 3 илова |

1.5. «Пудратчи» махсус лойиха ишларига ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан қўшимча шартнома тузишга ҳақлидир. Қўшимча шартномаларни тузиш «Пудратчи»нинг зиммасига юклатилган мазкур шартноманинг шартларини бажариш жавобгарлигидан озод этмайди.

1.6. Хужалик шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга рухсат этилмайди.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

а) «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

2.1 «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан берилган лойихалаш топширикномаси ва архитектура режалаштириш топширикномаси асосида лойиха ишларини бажаради;

2.2. «Пудратчи» мазкур шартнома буйича бажарилган ишларни «Буюртмачи»нинг рухсатсиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3. Лойиха ишларини бажарилишини танлов баённомасида курсатилган муддатда таъминлайди;

2.4. «Пудратчи» томонидан тайёрланган лойиха асосида ҳисобланган сметадаги физик иш ҳажмлар, материал ресурслар миқдори тугрилиги (лойихага мослиги) учун жавобгарликни уз зиммасига олади ва ойма-ой бажарилган ишлар тугрисида «Буюртмачи»га келишилган жаъвал асосида ҳисобот топшириб туради.

б) «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари :

2.4. Пудратчига иш ҳажмларини бажарилишига керакли архитектура режалаштириш топширикномасини такдим этади;

2.5. Бажарилган лойиха ишларидан шартномада қўзда тутилган мақсадда фойдаланади;

2.6. Пудратчи томонидан бажарилаётган лойиха ишлари ва курсатилаётган хизматларнинг сифатини қўзатиб боради ;

2.7. «Буюртмачи» маблағ билан таъминловчи ташкилотларга бажарилган лойиха ишларининг ҳажми тугрисида ҳисоботларни уз вақтида топширилиши таъминлайди

3. Шартнома буйича ишлар қиймати

3.1. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар киймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 25 300 000 сум ни ташкил этади.

3.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»ни мазкур шартнома буйича олдиндан 15 фоиз миқдорда бунақ (аванс) маблағлари билан таъминлайди.

3.3. «Пудратчи» томонидан ишлаб чиқилган қурилишга сарфланадиган моддий техника ресурслари миқдори ва қурилиш муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта қуриб чиқилмайди, айрим ҳоллар бундан мустасно, яъни :

3.3.1. Ишларни бажариш ва хизмат курсатиш киймати ва муддатини узишига ёки шу параметрлардан бирига бартараф этиб булмайдиган кучлар (форс-мажор ҳолати) сабаб булса.

3.3.2. «Буюртмачи» томонидан иш ҳажмларига узгартириш киритилганда.

3.3.3. Ишларни бажариш, хизмат курсатиш муддати бир йилдан ортиқ булганда.

3.3.4. Асослаб берилган ҳолда, юқорида қайд этилган узгатиришлар «Буюртмачи» ва «Пудратчи» уртасида қушимча келишув билан расмийлаштирилади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишлар ШНК 1.03.01-03 ва «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган лойиҳалаш топширик талаблари асосида қабул қилинади.

4.2. «Пудратчи» ишларни бажариб булгач, «Буюртмачи»га техник топширикда курсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада лойиҳа смета ҳужжатлар комплектини тақдим этади.

4.3. «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 4.2.- бандида курсатилганидек, топшириш –қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва «Пудратчи»га имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жунатади.

4.4. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида «Буюртмачи»нинг асосли эътирози булса, камчиликларнинг руйҳати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум булиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тухтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ булган йуналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни қуриб чиқишлари керак. «Буюртмачи» ушбу ҳолатда «Пудратчи»га амалда бажарилган лойиҳа ишнинг харажатларини мазкур шартноманинг 3.3.2 ва 3.3.4 бандларига асосан амалга оширади.

5-модда. Томонларнинг жавобгарлиги

5.3. Тулов талабномасини асоссиз равишда тула ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тулашдан бош тортганлиги (банк муассасасига тулов топширикномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив қуймаслик ва хоказо) учун, «Буюртмачи» туловдан бош тортган ёки рад этган суммасининг 0,05 фоиз ҳажмида «Пудратчи»га жарима тулайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки курсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

5.4. «Буюртмачи» олган мажбуриятини бузганлиги учун мазкур шартноманинг 4.3 моддасига асосан у «Пудратчи»га утқазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0,05 фоиз ҳажмида жарима тулайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки курсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.

5.5. «Пудратчи» ишларни бажаришда, хизмат курсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун утқазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0,05* фоиз ҳажмида жарима тулайди. Аммо бунда умумий сумма бажарилмаган иш ёки курсатилмаган хизматининг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Пеня тулаш шартнома

(контракт) мажбуриятини бузган томонни кечиктириб бажарган иши ёки курсатган хизмати оқибатида келтирилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.6. «Пудратчи» томонидан тайёрланган лойиха смета хужжатларида нуқсонлар (тайёрланган смета хужжатларидаги иш хажмларини лойихага мос келмаслиги) аниқланса «Пудратчи» камчиликларни уз ҳисобидан тугриланишини таъминлайди ёки такдим этилган лойиха смета хужжатларида купол хатоликларга йул қўйилган бўлса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

5.7. Агар содир бўлишига томонларнинг ҳеч бири жавоб бермайдиган (форс-мажор) ҳоллар юзага келса, томонлар уз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига суянадилар.

5.8. Агар бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, «Буюртмачи» бажарилган ишларга ҳақ тулашдан бош тортишга ҳақли. «Пудратчи»дан сифатга жавоб бермайдиган иш қийматининг 0,4 фоизи пеня жарима ундиришга ҳақли, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар бажарилган ишларга, курсатилган хизматларга ҳақ тулаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда туланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Жарима ҳисоби тулов талабномаси банк муассасасига сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган бажарилган ишлар ҳақида далолатнома тузилгандан кейин 10 кундан кечикмай такдим этилиши лозим. Жарима ҳисоби тулов талабномаси белгиланган 10 кунлик муддатни бузган тарзда такдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.9. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада узгача қўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунининг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик қоралари қўлланилади.

6. Бартараф этиб бўлмайдиган қуч ҳолати (форс-мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман еки тула ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган қучлар сабаблар содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома (контракт) ижросига бевосита таъсир курсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома (контракт) бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тула ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган қуч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга қўзиладиган бўлса, «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тухтатиш учун чора тадбирлар қўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 2 ой мобайнида бир тухтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Мазкур шартномада қўзда тутилмаган томонларнинг узаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикасит Фукоролик кодексига асосан белгиланади.

(Капитал реконструкция қилинадиган биноларнинг техник ахволи, қўшимча лаборатория текширувлари, қучайтириш (усиления) ишлари талаб қилганда томонлар уртасида қўшимча қелишув баённомаси тузилади.)

8. Шартноманинг амал килиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзолагандан кейин кучга киради ва унинг шартлари тулик бажариб булгунча хакикий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг амал килиш муддати 31 12 2022 йил.

8.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди

9. Низоларни ҳал этиш тартиби ва ҳукукий экспертизаси

9.1. Шартноманинг мазмуни уни тузишга тайёрлаш жараёнида юридик хизмат субъектлари ёки жалб этилган адвокатлар томонидан конунчиликка мувофиқ келиши текширилган булиши даркор. Уларнинг имзосиз ёки ҳулосасиз шартнома тузишига йул қуйилмайди.

9.2. Шартномани тузиш, ижро этиш, узгартириш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни коплаш чогида томонлар уртасида вужудга келган бахслар конунчиликда белгиланган тартибда хужалик суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан қараб чиқилади.

10. Иловалар

- | | |
|---|-----------|
| 10.1. Лойиҳа ишлари ҳисоби | - 1 илова |
| 10.2. Шартнома қийматини келишиш баённомаси | - 2 илова |
| 10.3. Ишларнинг календар режаси | - 3 илова |

11. Томонлар реквизитлари

Буюртмачи:

Шахрисабз ШМТБ

(буюртмачи номи)

Манзили: Ипак Йули 103

Тел: _____ факс _____

ИНН 305159066 ОКОНХ 92400 МФО 00165

Х.Р.П 401722860104057091100251001

Директор Ш Исламов



Бажарувчи :

«SHAXRISABZLOYNA» МЧЖ

(Ишни бажарувчининг номи.)

Манзили: Шахрисабз тум Бешкапа к-к

Тел: -998912573081

Х/Р 20208000204354324001 МФО 01048

Банк: _____

ИНН 205233254 ОКОНХ _____

ОКЭД: _____

Директор

Н Давлатова




Лойиҳа-тадқиқот ишлари ҳисоби

Қуйидаги объектлар бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларининг номи:

Шахрисабз шаҳар 10 йиллик бекосими кўчаси
 Лойиҳа ташкилоти номи: «SHAXRISABZLOYNA» МЧЖ *Таъмирлаш ишлари*
 Буюртмачи ташкилоти номи: Шахрисабз Шаҳар ШМТБ *едита кўчмалари*

1	2	3	4	5
Ташкилот, қурилиш иншоотлари ёки иш турларининг тавсифи	Лойиҳа-тадқиқот ишларини қийматини аниқлаш бўйича низомнинг № бўлими ва жадвали банди	Қийматини ҳисоблаш (сум)	Қийма (сум)	
		“Давархитектқурил иш” кўмитасининг 10.11.2008 й. 22 сонли лойиҳа тадқиқот ишларини қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг “3” ва “4”- иловасига мувофиқ	25 300 000	25 300 000
ЖАМИ:				

Жами: Йигирма беш миллион уч юз минг сум



Лойиха-тадқиқот ишларининг шартнома қийматини келишиш
БАЁННОМАСИ

Қуйидаги объектлар бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларининг номи:

10 ДШММ лойиҳа ҳужжатлар ишларини баённомаси

Биз қуйида имзо чекувчилар, "Бажарувчи" номидан «Шахрисабзлойиҳа» МЧЖ директори Н. Давлатова ва "Буюртмачи" деб юритиладиган Шахрисабз ШМТБ_ директори Ш Исламов шунга таъкидлаймизки, юқорида кўрсатиб ўтилган ишни бажариш тўлиқ шартнома қиймати

25 300 000 сум ни ташкил этади

Мазкур баённома "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шахрисабз ШМТБ

"ШАХРИСАБЗЛОЙИҲА" МЧЖ



Дек Н. Давлатова



ИШЛАРНИНГ КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

20-22 йил «25» 05 № 1 сонли шартномага илова

№	Шартнома буйича бажариладиган ишларнинг ва асосий боскичларнинг руйхати	Бажариш муддати		Боскичларнинг ҳисоб киймати йигиндиси сумда
		Бошланиши	Яқунланиши	
1	Лойиҳа-смета ҳужжатлари	23,05,2022й	03,06,2022й	25300000
Жами:				

Буюртмачи:

Шахрисабз ШМТБ

Мудир



Ш Исламов

Бажарувчи :

«SHAXRISABZLOYNA» МЧЖ

Директор

Н Давлатова



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI
TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
№

1. Loyiyaning turi: loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash shartnomasi.
2. Loyiyaning nomi: SHahrisabz shahar maktabgacha ta'lim bo'limi bilan SHahrisabz shahridagi "SHahrisabzloyiha" MCHJ o'rtasida tuzilgan 1-sonli 10-DMTT binosini loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash uchun 25.300.000 so'm miqdorda tuzilgan shartnoma.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: SHahrisabz shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 24 may kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:
2022 yil 24 may



A.T.Do'stov



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektidan yagona davlat reyestriga

"SHAXRISABZLOYIHA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SHAXRISABZLOYIHA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

30.08.2004

1847

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami)

(Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR))

205233254

Tashkiliy-huquqiy shakli

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Qayil bo'lgan joy

Dashqadaryo viloyati, Shahrisabz tumani, Kunchiqar, Xo'jaymaydon MFY Beshkapa qishlog'i

Guvohnoma

Qashqadaryo viloyati, Shahrisabz tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

to'mondan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organining to'liq nomi)

